

«ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА, ОЧИҚ ВА ОШКОРА ЎТДИ...»

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

• 2009-yil • 29-dekabr • Seshanba • 160 (30.120) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 28 декабрь куни Оқсарой қароргоҳида Қирғизистон Республикаси Бош вазири Данияр Усеновни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни Қирғизистон Бош вазири лавозимига тайинлангани муносабати билан қўлаб, Ўзбекистон — Қирғизистон ҳукуматлари орасида комиссия мажлисида иштирок этиш учун Қирғизистон делегациясининг бундай таркибда Тошкентга ташрифи ўзаро муносабатларимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишига таъкидлади. Бугунги кунда Ўзбеки-

стон ва Қирғизистон муносабатларини конструктив асосда оптималлаштириш зарурияти икки томонлама ҳамкорликда устувор аҳамиятга эга. Жумладан, қўшни мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, минтақавий сув ва энергетика мувозаанатини таъминлашга доир халқаро мустақил экспертларни ўтказиш ўта муҳимдир. Шу билан бирга, савдо-иқтисодий, илмий-тех-

кавий, маданий соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш масалалари долзарб ҳисобланади.

Учрашувда Данияр Усенов Президентимизга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон — Қирғизистон ҳукуматлари орасида комиссия мажлиси юқори савияда ўтганини алоҳида таъкидлади.

Сўхбат чоғида ўзаро манфаатдорлик асосланган икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари ва бошқа муҳим масалалар муҳокама этилди.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОВОЗ БЕРДИ

2009 йил 27 декабрь куни мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 27 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 644-сайлов участкасида овоз берди.

— Бугун ўтказилаётган сайловда, албатта, тенглик, ҳаққонийлик тамойилларига қатъий амал қилинади, деб ишонаман, — деди Президентимиз. — Сайлов — бу ўз ҳуқуқини англаган ҳолда, эркин танлаш ва онгли овоз беришдир. Сайловда қатнашиш билан ҳар биримиз нафақат Конституцияимизда қаролатилган овоз бериш ҳуқуқимиздан фойдаланамиз, айти пайтда фуқаролик бурчимизни чуқур англаган ҳолда ўзимиз, фарзандларимиз, Ватанимиз тақдири олдида масъул эканимизни янада тирадор тушуниб етатишимиз. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда умумэ-

тироф этилган стандартлар ва юксак демократик талабларга тўла жавоб берадиган сайлов тизими шаклланди. Бу борада Конституцияимизга асосланган мустахкам ҳуқуқий замин яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига сайлов тизимини янада либераллаштириш ва демократлаштиришга, сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

— Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар кўппартиявийлик ва мўқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат шаклланиши ва сайлов тизимининг халқаро нормаларга тўла мос келишининг далолати, —

— деди Ислон Каримов. — Халқимиз бугунги сайлов олдинги сайловлардан тубдан фарқ қилишини яхши билади. Сайловчи нафақат ўзи танлаган номзодга, балки ўша номзод аъзо бўлган сиёсий партияга ҳам овоз бермоқда, партиянинг гоғларига ишонч билдирмоқда. Шундай экан, ҳар қайси партия ўз зиммасига қандай масъулият олаётганини яхши англамоғи лозим. Халқнинг ишончини оқлай олган партия ўз-ўзидан сиёсий майдондан чиқиб кетади. Шу маънода бугунги сайлов сиёсий партиялар учун муҳим синов, жиддий имтиҳондир.

Давлатимиз раҳбари журналистларнинг саволларига жавоб берадиган экан, қўлаб мамлакат-

ларни оғир аҳволга солган ҳаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган чоралар хусусида тўхталди.

— Ўзбекистон танлаган йўл нақадар тўғри ва ҳаққоний эканини ҳаётнинг ўзи исботлади. Мамлакатимиз парламенти куйи палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 ўрин ажратилди.

Биз ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу мақсадлар билан яшаймиз. Бугунги сайлов ана шу эзгу мақсадларимизни рўйга чиқаришга хизмат қилади.

Вазият ҳақида сўз юритди. Орол муаммосини фақат анжуманлар, конференциялар ўтказиш билан ҳал қилиб бўлмайдди. Бу йўлда амалий ишлар, натижалар керак, деди Ислон Каримов. Шу боис мамлакатимизда фаолият юритаётган экологик ҳаракатлар бирлашди. Мамлакатимиз парламенти куйи палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 ўрин ажратилди.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиёда юзага келган мураккаб экологик

В.ЛУҚМОНОВ,  
ЎЗА мухбири

## Кузатувчилар миссиялари:

### ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ДЕМОКРАТИЯ, ЭРКИНЛИК ВА ОШКОРАЛИК РУҲИДА ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида 28 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Кузатувчилари миссияси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ) Кузатувчилари миссияси ва Ислон Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) Кузатувчилари миссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтган сайлов мониторинги натижалари бўйича матбуот анжуманлари ўтказилди. Уларда мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий ва халқаро кузатувчилар иштирок этди.

Матбуот анжуманларида миссияларнинг сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича кузатуви натижаларига оид баёнотлари ўқиб эшиттирилди. Уларда баён этилган хулоса ва фикрлар миссияларнинг ўз кузатуви, сайлов кампанияси мониторинги жараёнида тўпланган материаллар ва маълумотлар таҳлилига асослангани таъкидланди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кузатувчилари миссиясининг Ўзбекистон Республикасида сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича кузатуви натижалари бўйича баёнотини миссия раҳбари, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижроичи котиби Сергей Лебедев ўқиб эшиттирди. Унда Ўзбекистонда эркин ва демократик сайловни таъминлаш учун кўрилган чора-тадбирларга юксак баҳо берилган. Ушбу баёнотта биноан қуйидаги хулоса ва баҳолар келтирилган:

«МДҲ Кузатувчилари миссияси:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, мамлакатда демократик сайловларни ўтказиш бўйича амалдаги сайлов қонунчилиги ва демократик нормаларга мувофиқ ўтказилди, деб ҳисоблайди;

сайлов эркин ва ошқора ўтказилди, деб эътироф этди;

сайлов фуқаролик жамиятининг сиёсий етуқлик даражасини намойён этгани, сайловчиларнинг эркин хоҳиш билдиришини таъминлагани, Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети асослари ва демократик пойдеворини мустаҳкамлаганини қайд этди;

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш юзасидан кузатув натижалари бўйича баёнотини миссия раҳбари, ШҲТ Бош котиби ўринбосари Шерали Жононов ўқиб эшиттирди.

Хусусан, унда қуйидагилар қайд этилган: «Миссиянинг фикрича, овоз бериш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қондаларига мувофиқ амалга оширилди. Умуман, сайлов участкаларида ишларнинг уюшқоқлик билан ташкил этилгани, уларда Ўзбекистон Республикаси

фуқаролари овоз беришда фаол иштирок этгани кузатилганини таъкидлаш жоиз.

Сайлов жараёни давомида Миссияга шикоят ва эътирозлар билдирилмади. Миссия вакиллари сайлов участкаларида бюллетенларни санаб чиқиш ва овоз бериш яқунлари бўйича тегишли баёнотларни тузишда ҳам иштирок этди. Ушбу жараёнда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг бузилиш ҳолатлари Миссия томонидан аниқланмади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Кузатувчилари миссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов эркин, транспарентлик асосида, миллий қонунчилик талаблари ва унинг халқаро мажбуриятларига мувофиқ равишда ўтказилди, деб ҳисоблайди. Сайловда овоз бериш натижаларини шубҳа остига қўйдиган қонунбузарлик ҳолатлари аниқланмади».

Ислон Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) Кузатувчилари миссияси ҳам Ўзбекистон парламенти куйи палатасига сайлов мониторинги бўйича улкан ишларни амалга оширди. Матбуот анжуманида миссия раҳбари, ИКТ Бош котиби маслаҳатчиси Шукру Туфан мониторинг натижалари бўйича ўз баёнотида миссия кузатувчилари фаолияти давомида сайлов участкаларига бемалол бориш имкониятига эга бўлгани ва мамлакат фуқароларининг парламент сайловида фаоллигининг гувоҳи бўлганини таъкидлади.

— Мен Ўзбекистон халқини сайловда фаол қатнашгани ва шу тарихда мамлакатнинг сиёсий институтлар ролини ошириш жараёнида ўзининг юқори масъулиятини ва дахлдорлигини намойён этгани билан қўлайман, — деди ИКТ миссияси раҳбари. — Ислон Конференцияси ташкилоти Кузатувчилари миссияси номидан Ўзбекистонда сайловнинг ташкил этилишидан ва транспарентлик асосида ўтганидан қониқиб ҳосил қилганимизни билдирмоқчиман. Ушбу сайлов Ўзбекистонда демократияни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Анна ИВАНОВА,  
ЎЗА мухбири

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЧУҚУРЛАШТИРИЛИШИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди



28 декабрда сайловнинг дастлабки натижаларига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов қайд этдики, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш борасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим босқич бўлди.

Мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари, хорижий ва халқаро кузатувчиларга маълум қилиндики, дастлабки маълумотларга қўра, сайловда 15 миллион 108 950 нафар сайловчи иштирок этди ва бу сайловчилар умумий сонининг 87,8 фоизини ташкил этди. Шундай

қилиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 44-моддасига биноан, парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтган, деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси-

га сайловнинг дастлабки натижаларига қўра, 96 та сайлов округида депутат сайланди. Қонунчиликка биноан қолган 39 та сайлов округида икки ҳафталик мuddатда энг кўп овоз олган депутатликка икки номзод учун қайта овоз бериш ўтказилди.

Сайлов кунини Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир маъмурий-

ҳудудий бирлиги ва Экоҳаракат Ижроия қўмитаси вакиллари бўлган номзодлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қонунчилик палатасига мазкур ҳаракатдан 15 нафар депутат сайланди.

(Давоми 2-бетда)



ТАҲРИРИЯТИМИЗ  
МЕҲМОНИ

2



ИСТЕЪДОДИ  
ЕШААР  
ТАНЛОВИ  
ЯҚУНЛАНДИ

3



ЭЛИМИЗ  
ТИЛАГИ  
—  
БАРКАМОЛ  
АВЛОД

4

Ўзбекистон ҳаво йўллари

TOSHKENT  
XALQARO  
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРИНИНГ ЧУҚУРЛАШТИРИЛИШИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИ

Матбуот анжуманида таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигида белгиланган барча демократик норма ва принципларга тўла мос ҳолда ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси таъкидлаганидек, қонунчилик талаблари бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар ва маълумотлар тушмаган.

Сайлов — кучли фуқаролик жамиятига эга демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоши-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шаклидир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий соҳаларнинг изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Сайловнинг самарали, умумэтироф этган халқаро меъёрлар ва стандартларга жавоб берадиган асоси яратилди. Сайловнинг очиқлик, ошқоралик ва адолат каби тамойилларга мувофиқ ҳолда ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуни, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан кафолатланган.

Бу йил сайловнинг ўзига хослиги шундаки, у сиёсий жиҳатидан, янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда ўтказилди. Маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада кенгайди ва мустаҳкамланди. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бош-

қарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг амалга оширилиши кўп-



партиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига, Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар ролининг кучайишига ва улар томонидан қарорлар қабул қилинишига улкан таъсир кўрсатди. Партияларнинг фаоллиги ва партиялараро рақобат даражаси ошди.

Миллий қонунчилик кўра сиёсий партияларга, улар тавсия этган депутатликка номзодларга сайловолди кампаниясини олиб боришда, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда, уларга ўз сайловолди дастурлари моҳиятини етказишда, оммавий ахборот воситаларида сайловолди тарғиботини олиб боришда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилди.

2009 йилги сайловни қонунчилик талаблари асосида, юксак демократик савияда ўтказиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёрғарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепция қабул қилинди. Қонунчиликда ва концепцияда белгиланган барча учун бир хил сайлов меъёрлари ва талаблари, сайловга тайёрғарлик кўриш ва уни ўтказиш тартибига сайлов кампанияси давомида тўлиқ амал қилинди.

Сайловнинг демократлиги, бу жараёнда амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши округ ва участка сайлов комиссияларининг қонунийлик, ошқоралик, мустақиллик ва адолатлик тамойилларига асос-

ланган аниқ, уюшган фаолият орқали таъминланди. Барча 8447 та сайлов участкаси алоқа воситалари, компьютерлар ва таъкидланган техника, сайлов қонунчилиги меъёрларига оид ҳуқуқий адабиётлар билан таъминланди. Худудларда округ ва участка комиссиялари аъзолари учун ўқув-семинарлар, сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида кўплаб учрашувлар ўтказилди.

Сайлов жараёнининг очиқ ва ошқоралиги маҳаллий ва хорижий кузатувчилар иштирокини таъминлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов мониторинг 36 давлатдан ва тўрт халқаро ташкилот — ЕОХТ ДИИХБ, ШХТ ва ИКТ миссияларидан 270 дан зиёд кузатувчилар, шунингдек, депутатликка ўз номзодларини кўрсатган сиёсий партияларнинг 30 мингдан зиёд кузатувчилари ва 30 мингдан зиёд ваколатли вакиллари томонидан таъминланди. Бундан ташқари, сайлов жараёнини ёритишда мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг 630 дан ортиқ вакили қатнашди.

Матбуот анжуманида Марказий сайлов комиссияси раиси маълум қилганидек, ҳозир Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари ва

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг олий органи — Конференцияси томонидан тақдим этилган баённомаларни ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, зарур ҳолларда — айрим сайлов участкалари комиссиялари материаллари Марказий сайлов комиссияси томонидан яна бир бор синчиклаб текширилади. Фақат шундан сўнг Марказий сайлов комиссияси сайлов натижалари тўғрисида қарор қабул қилади.

Миллий сайлов қонунчилиги мувофиқ сайлов натижалари тўғрисидаги хабар ва Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхати Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловдан сўнг 10 кунлик муҳлатдан кейинчилик йил матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида иштирок этган мамлакатимиз ва хорижий журналистлар 2009 йилги сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олди.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов юксак ташкилий савияда, демократик тамойилларга тўла мос ҳолда ўтказилди. Бўлиб ўтган сайлов электротат фаоллиги ошганлигидан, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий етуқлигидан далolat беради.

27 декабрда халқимиз жонажон Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан, аҳоли фаровонлигини ошириш ва Ватан тараққиётига йўналтирилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан олга одимлаётганлигини яна бир бор намоиш этди.

**Анна ИВАНОВА, УЗА МУХБИРИ, М.ҚОДИРОВ, А.КАНАЗАРОВ, С.ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар**

## Сўз — халқаро кузатувчиларга

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 27 декабрь кuni бўлиб ўтган сайлов жараёнини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан уч юзга яқин кузатувчи бевосита кузатиб борди. Мухбирларимиз уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлиб, фикр-мулоҳазаларини эътибор олдидим.

**Анатолий КИНАХ, Украина парламенти (Олий Рада) депутати:**

— Ўзбекистонда сайлов жараёнини кузатиш учун халқаро кузатувчиларга барча шароитлар яратиб берилганини алоҳида таъкидлашни хоҳлардим. Шахсан мен бир неча сайлов участкаларида жараён билан танишдим. Шунга амин бўлдимки, сайловни ўтказишга жуда катта ва пухта тайёрғарлик кўрилган. Сиёсий кампаниянинг кўтаринки руҳда, юқори савияда, ташкилий уюшқонлик билан ўтгани Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан тараққий этиб бораётганини, мамлакат аҳолисининг кайфия-

тини, бугунги кундан розилигини кўрсатади. Бу жуда муҳимдир.

Мамлакатингиз сайлов қонунчилигига киритилган охириги ўзгаришлар билан танишман. Унинг нормалари умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Парламентнинг ҳар жиҳатдан самарали ишлашига хизмат қилади. Парламент қанчалик самарали ишласа, мамлакат ҳам шунга ҳамохан гуллаб-яшнаб бораверади, одамларнинг турмуш тарзи юқори даражага кўтарилади. Бу эса фуқаролик жамияти қуришнинг энг асосий шартларидан биридир.

Мен аввал ҳам бир неча бор



Ўзбекистонга келганман. Украина бош вазири сифатида ташриф буюрганман. Бугун гувоҳи бўлиб турибманки, Тошкент шаҳри жуда тез ўзгариб, дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистон жуда қадим тарихга эга юрт. Азалдан жуда бой цивилизацияга эга бўлган. Бугунги ўзгаришлар эса жаҳон илми тараққиётига муносиб ҳисса қўшган юртга хос ўзгаришлардир. Буларнинг ҳаммаси юртингизда замонавий давлатчилик тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далolat.

## Тахририятимиз меҳмони



**Дхар МОХАН, «Political events» ҳафталиги сиёсий шарҳловчиси (Ҳиндистон):** — Мен бундан 25 йил аввал илк бор Ўзбекистонга келганман. Шундан сўнг бир неча бор юртингизга

ташриф буюрдим. Бемалол айта оламаники, ўзбек халқи жуда катта йўлни босиб ўтди. Мард, жасур, танти халқингиз ўзининг бутун дунё тан олган ва тан берган замонавий давлатини барпо этди. Бу кунларга етиб келиш осон бўлмаганини мен жуда яхши биламан.

Сайлов жараёнини кузатар эканман, аввало, сайловнинг асосий субъектларидан бири бўлган сиёсий партиялар фаолиятини алоҳида ўрганишга ҳаракат қилдим. Ўзбекистонда мавжуд тўртта сиёсий партиянинг барчасининг имкониятлари тенглиги, бирор-бир сиёсий партияга алоҳида устуллик, имтиёз берилмаслиги соғлом рақобат, гоилар курашининг қизгин кечилиши таъминлади, деб ўйлайман. Айрим мамлакатларда ҳукумат раҳбарлари сиёсий партияларга етакчилик қилишди. Табиийки, ўша партия амалий жиҳатдан устулликка эга бўлади. Демак, бу жараёнда соғлом сиёсий кураш бўлмайди. Демократиянинг шартлари бузилади.

Ўзбекистонда сайловларни ташкил этиш бўйича жуда катта тайёрғарлик ишлари олиб борилганига иқроф бўлдим. Гувоҳи бўлдимки, сайловчилар эрта тонгдан ўз ихтиёрлари билан келиб, фуқаролик бурчларини адо этдилар. Мамлакат тақдирига масъулият билан ёндашадиган фуқароларга эга юрт дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Шуни ҳам айтишим керакики, бугун тахририятингизда бўлган суҳбат чоғида мен сиёсий партиялар нашрлари тўғрисида ҳам қўшимча маълумотларга эга бўлдим.

**Беход ШУКУРОВ** эътибор олд.

# ДЕМОКРАТИЯ, МУҚОБИЛЛИК ВА ОШҚОРАЛИК НАМОЙИШИ

**Тоҳир ФАРУХ, «Иттиҳод» газетаси бош муҳаррири (Токистон):**

— Ўзбекистонда 2007 йилда ўтган Президент сайловида ҳам кузатувчи сифатида иштирок этганман. Ушанда сайловчиларнинг ўз конституциявий ҳуқуқларини адо этишлари учун барча шароитлар яратилганини кўрганман. Сайлов демократик тамойиллар асосида, очиқ-ошқоралик руҳида ўтган. Бу ерда кўрганларимни, олган таассуротларимни «Иттиҳод» газетасида кенг ёритган эдим.

Бу йилги парламент сайлови ҳам қизгин ҳозирлик кўрилибди. Мен сайлов жараёнига оид маълумотлар билан танишиб чикдим. Сайловда қатнашаётган тўрт сиёсий партиянинг сайловолди дастурлари, номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари, сайлов тизимидagi янгиликлар мамлакатингиз оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда. Мустақиллик йилларида юртингизда миллий оммавий ахборот воситалари изчил ривожланмоқда. Журналистлар эркин ижод қилиши учун зарур шароитлар мавжуд. Ўтган сафар келганимда «Ўзбекистон тудей» газетаси тахририятда бўлиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилган эдим.

**Шалахуддин КАФРАВЙИ, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ, диншунослик, исломшунослик, маданиятшунослик бўйича мутахассис (АҚШ):**

— Муайян давлатнинг сайлов жараёнини кузатишдан аввал ўша халқнинг тарихини, менталитетини, анъаналарини, қадрият ва урф-одатларини чуқур ўрганиш лозим. Мамлакатингиз-

даги сайлов жараёнилари ўзбекларга хос бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва аҳилликда, барча демократик тамойилларга мос равишда тинч-осойишта ва одилона ўтмоқда. Бундай тўғри ва аниқ ишлаб чиқилган сайлов тизимига эга мамлакат тараққиёт йўлидан дадил одимлайверади.

Ўзбекистонда бошқа жабҳалар қатори сиёсий тизимда ҳам хотин-қизларнинг фаол иштироки этиши мени жуда қувонтиради. Депутатликка номзодлар орасида аёлларнинг кўпчилиги мамлакатингизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мақоми юксалтиришга қаратилган алоҳида эътибордан далolatдир.

Таърифим давомида Бухоро вилоятидаги сайлов участкалари ва округларини бориб кўрдим. Айтишим жоизки, сайлов участкаларида сайловчиларнинг овоз бериши ҳамда биз, кузатувчиларнинг фаолияти учун яратилган имкониятлардан тўлиқ қониқдим.

**Петер ШПАРИ, Германия — Ўзбекистон» жамияти вице-президенти:**

— Ўзбекистон қадимий анъаналарига таянган ҳолда тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган мамлакатдир. Утмиши бой, келажоги порлоқ ана шундай юрт билан ҳамкорлик қилиш барча учун манзур. Шу маънода, Ўзбекистон ва Германия алоқалари изчил ривожланиб бораётганидан, бундай ҳамкорликни мустаҳкамлашга бизнинг жамиятимиз ҳам ўз улушини қўшаётганидан мамун бўлдим.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказган бир қатор сайлов участкаларида бўлганимда бу тадбирга қизгин ҳозирлик кўрилганига, сайлов

демократик тамойиллар асосида ўтишини, сайловчиларнинг ўз хоши-иродасини таъминлаш йўлида этишини таъминлаш йўлида барча шароитлар муҳайё этилганига гувоҳ бўлдим. Номзодлар тўғрисида маълумотлар тўла-тўқис тақдим этилган, сайловчи кабинада ўзи танлаган номзодга ҳеч қимнинг аралашуви сиёсий овоз бериш имконияти мавжуд.

**Магди ДАЙФ, Ахборот вазирлиги маслаҳатчиси, сиёсий шарҳловчи, журналист (Миср):**

— Мамлакатингизда истиқлолга эришган, кўплаб соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Сайлов мамлакатни демократлаштириш жараёнидаги муҳим сиёсий воқеадир. Шу боис муносиб номзодларнинг сайланиши катта аҳамият касб этади. Ўзбекистонда эса бу борада изчил ислохотлар амалга оширилмоқда, сайлов тизими муттасыл тақомиллашиб бораётди.

Сайлов жараёнини оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ва тежорлик билан ёритилган мамлакатингизда сайловнинг барча демократик тамойилларга асосланган ҳолда очиқ ва ошқора ўтишини таъминлаш ва улкан эътибор қаратилганлигидан далolatдир. Мазкур сиёсий жараёни кузатиш учун хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан уч юзга яқин кузатувчининг келиши сайловнинг эркин ўтиши учун барча шарт-шароит яратилганининг ёркин намунасидир. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, биз, кузатувчиларга сайлов жараёнини холис баҳолашимиз учун барча имкониятлар яратилди.

**Тацуэн ФУЖИНО, «Фукуока — Ўзбекистон» уюшмаси президенти (Япония):**

— Бундан икки йил аввал Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда ҳам иштирок этгандим. Ушанда сайлов жараёнининг муқобиллик ва кўппартиявийлик асосида очиқ ва ошқора ўтгани ҳамда сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида фаол иштирок этгани мени жуда қувонтирган эди.

Бу гал ҳам мамлакатингизда сиёсий партияларнинг сайловолди кампанияси ва номзодлар ташвиқоти учун тенг шароит яратилганига гувоҳ бўлдим. Сайловда яширин овоз берилиши сайловчиларга ўзи танлаган номзод учун ихтиёрий равишда овоз бериш имкониятини яратди.

**Герхард КРАМЛ, Курилиш соҳасида тажриба ва тадқиқотлар институти бош менежери (Австрия):**

— Халқаро кузатувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов жараёнини бевосита кузатиб бориши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Ўзбекистондаги сайлов жараёни ривожланган демократик давлатлар сайлов тизимидан асло қолишмайди. Демократик тамойиллар, очиқ ва ошқоралик таъминланган ҳолда ўтаётган бугунги сайловлар бунинг яққол далилидир.

Кўппартиявийлик шароитида ўтказилаётган мазкур сайлов келажакда юксак самаралар беришига, халқ ўзи истаган ва ишонган номзодларини сайлаганига ишонман.

(ЎЗА)

**Бал Рам САИНИ, «SAPPHIRE Tashkent international» компанияси директори:**

— Кунни кеча юртингизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар очиқлик, ошқоралик ва муқобиллик асосида бўлгани эътиборга моликдир. Биз Бухоро вилоятидаги бир неча сайлов участкаларига борганимизда ҳар бир сайловчи эртанги кунда инсонлар янада фаровон ҳаёт кечирishi учун муносиб қонунлар қабул қилишда фаол қатнаша оладиган ишончли вакилга овоз бераётганига гувоҳ бўлдик.

Юртингиздаги сайловда илк бор кузатувчи сифатида иштирок этаппман. Иш юзасидан бундан етти йил олдин илк бор мамлакатингизга келганимда, одамларнинг самийлиги, меҳмондўстлиги, тиришқоқлиги мени лол қолдирган эди. Мен ўзбекистонликлар фақат ўзбек ва рус тилларида гаплаша олади, деб эшитгандим. Лекин Ўзбекистон ёшлари дунёнинг истаган кўриб, хурсанд бўлдим.

Бундан ташқари, шу етти йил давомида иш фаолиятим сабабли кўп марта мамлакатингизда бўлдим ва ҳар жабҳадаги ўзгаришлар, айниқса, кенг қўламли бунёдкорлик, ҳукуматингиз томонидан ёшларга қаратилган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик мени ҳайратга солади.

**Елена КУЗЬМИНА, Россия Фанлар академиясининг иқтисодий институтининг катта илмий ходими:**

— Мамлакатингизда бўлиб ўтган сайлов халқаро меъёрларга тўла мос

келади. Сайловчиларга яратилган шарт-шароитлар сайловни ҳақиқий демократик руҳда ўтишини таъминлади. Шунингдек, фуқаролар ўзлари хоҳлаб овоз берадиган вакили тўғрисида тўлиқ маълумотга эга. Бу ҳар битта номзод сайловолди тарғибот ишларини етарлиқ олиб борганидан далolat беради.

Ҳар доим юртингизга келганимда кенг қўламли ўзгаришлар бўлаётганини кўраман. Айниқса, пойтахтингиз таниб бўлмас даражада чирой очган. Булар барчаси ўзбек халқи орзу-ҳавасларини рўёбга чиқаришга астойдил киришганидан далolat беради.

**Ёқубжон МАДУМАРОВ, Тожистон Республикаси марказий сайлов комиссияси бош мутахассиси:**

— Тошкент шаҳридаги бир неча сайлов участкаларида бўлдим. Шунинг айтиш керакики, бўлиб ўтган сайлов очиқлик ва ошқоралик руҳида ўтди.

Ҳар доим телевидение орқали Ўзбекистондаги ўзгаришлар, кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, янги кўприклар ҳамда кенг ва замонавий йўллар қурилишини кўрганда ён қўшни сифатида мамнун бўламиз. Бунёдкорлик инсонга хос гўзал фазилатдир. Мана, бугун пойтахтингиз қанчалик яшнаб кетганини кўриб турибмиз.

Бундан ташқари, Президентингиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда ҳам замонавий уй-жойлар яратилганлигига гувоҳ бўлдим. Бир сўз билан айтганда, амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар одамларнинг тинч, осуда ва фаровон ҳаёт кечирishiга қаратилгандир.

**Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ** эътибор олд.

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» кўрик-танлови якунланди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида мазкур кўрик-танлов совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унга таълим, маънавият ва маърифат, санъат, маданият намоёндалари, ижодий танловнинг мамлакат босқичи ғолиблари, уларнинг ўқитувчилари, ота-оналари, жамоат, халқаро ташкилотлар, хорижий дипломатик корпус вакиллари таклиф этилди.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, замонавий билим чўққиларини эгаллаши, ўз қобилият ва имкониятларини намоён этиши учун давлатимиз, жамиятимиз томонидан зарур шароит яратиш юзасидан кенг қўламли чоратadbirlar амалга оширилмоқда.

Ёш авлодни тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш, улар қалбиди гўзаллик ва эзуликка интилишни кучайтириш, иқтидорли йигит-қизларни аниқлаш, уларнинг сафини кенгайтириш борасида давлат ташкилотлари билан бир қаторда жамоат ташкилотлари, жумладан, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жамғарманинг юртимиз ўғил-қизларида тобора катта қизиқиш уйғотаётган маърифий лойиҳаларидан бири иқтидорли ёшларнинг «Келажак овози»



А.АБДУЛЛАЕВ (Ўза) олган сурат

республика кўрик-танловидир. Жорий йилда ушбу аънаваный ижодий беллашувнинг кўйи босқичларида олтин миң нафар йигит-қиз иштирок этди. Уларнинг қирқ беш нафари республика босқичида ғолиб, деб топилди.

Танлов иштирокчилари архитектура ва дизайн, ахборот коммуникацияси ва технологиялари, рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар, аънаваный бадий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика каби номинацияларнинг ўн беш йўналишида ўз билим ва маҳоратини намоён этди.

Танлов ғолибларидан бири — Баҳодир Нарзуллаев Қорқалпоғистондаги Кўнғирот сода заводида оператор-технолог бўлиб ишлайди. Унинг газ концентрациясини чангдан тозалаш ва ҳароратини тартибга келтиришга оид илмий лойиҳаси мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш куввати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган.


— Бундай танловлар биз, ёшларнинг изланишимиз, эзгу интилишимизга қанот бағишлаб, тадқиқотларимизни мамлакатимиз ва халқаро миқёсда тарғиб ва ташвиқ этишда муҳим ўрин тутди, — дейди Баҳодир.

Ушбу тадбирда танлов ғолиблари ўз лойиҳаларини таниқли олимлар, экспертлар, малакали мутахассислар, илгор талаба-ёшлар иштирокида ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар каби йўналишлар бўйича атрофлича таҳлил ва муҳокама этиб, илмий жиҳатдан ҳимоя қилдилар.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

Назозат УСМОНОВА,  
Ўза муҳбири.

Бортида 278 нафар йўловчи билан Амстердамдан Детройтга парвоз этган «А-330» самолётида Умар Фарух Абдул Муталлаб исмли шахс террорни амалга оширмоқчи бўлганида қўлга олинди, дея хабар беради «Associated Press» АА.



## ТЕРРОР АМАЛГА ОШМАДИ экстремист қўлга олинди

Маълумотларга қараганда, у нигериялик таниқли банк соҳиби Умар Муталлабнинг ўғли экан. Бу ҳақда банкирнинг ўзи баёнот берди.



Агентлик хабар беришича, бу воқеадан анча аввал банкирнинг ўзи ўғли экстремистик фаолият билан шуғулланаётгани ҳақида Америка маъмуриятини оголантирган.

АҚШнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи Умар Фарух Абдул Муталлабга самолётни портлатишга уриганлик айбини қўйиб, тергов-суриштирув ишларини бошлаб юборди.

Аниқланишича, 23 ёшли бу террорчи оёғига бир халта портловчи восита — пентаэритриттетранитратни боғлаб олган. Шу билан бирга, кимёвий моддага тўла шприцни ҳам яширинча самолёт бортига олиб

ўтишга муваффақ бўлган. У шу шприцдаги модда билан портловчи воситани ишга солишга ҳаракат қилган. Аммо ёнгин чиққач, унинг ёнидаги ўриндикда ўтирган йўловчи ёнгини ўчиришнинг уйдасидан чиққан ва экипаж аъзолари ёрдамида террорчи қўлга олинган.

Террорчи жиддий куйиш аломатлари билан ҳозир Мичиган университетининг табиёт марказига ётқизилган.

Аниқланган маълумотлар-

га қараганда, Умар Фарух Абдул Муталлаб «Ал-Қоида» халқаро террор гуруҳига алоқадор экан. Буни унинг ўзи ҳам тан олди. У самолётни портлатиш мажбуриятини террористик гуруҳнинг Ямандаги тармоғи раҳбарларидан олган.

Яман ҳукумати 24 декабрь куни Шабва музофотида «Ал-Қоида» террорчи ташкилоти тармоғи фаолларининг йиғини ўтаётган пайтда авиациядан бомбардимон қилинганини, ушба бомбардимонда террористик тармоқ фаоли Анвар ал-Авлаки ўлганини маълум қилди. Аммо унинг қариндошлари ва танишлари у ўлмаганини айтишмоқда.

Келиб чиқиши АҚШлик бўлган бу шахс 2002 йили АҚШдан Яманга кўчган. У «Ал-Қоида» раҳбарларидан бири ҳисобланади.

## 75 МИНГГА ЯҚИН МУҲОЖИР

кўчаларда яшамоқда

Айни пайтда Италияда 75 мингга яқин хорижлик муҳожир бошпанасиз. Шу боис улар кўчаларда тунашга ва яшашга мажбур бўлмоқда.



Аппенинда хорижликлар жамоаси вакилидан олинган маъналарга асосланиб бу ҳақда «Новости» АА хабар тарқатди.

Маълумотларга қараган-


да, бошпанасиз муҳожирлар орасида 12 миң нафар вояга етмаган болалар бор.

Янги йилни очик осмон остида ўтказишга мажбур

бўлган муҳожирларнинг аксарияти — 4 миң киши Рим шаҳрида кун кечирмоқда. Милан кўчаларида эса 3,5 миң муҳожир яшамоқда.

## СЕҲР-ЖОДУ БЎЙИЧА

янги мактаб



катталар ҳам қабул қилиниши мумкин. Ўқув-семинарларини тажрибали афсунгарлар олиб боради.


Шуни таъкидлаш лозимки, маҳаллий руҳонийлар мазкур мактаб очилишига қарши. Каунас архиепископининг агентлик муҳбирга берган интервьюсида айтилишича, бундай мактабдаги ўқув дарслари болалар этикодига жиддий зарар етказиши.

Ушбу мактабнинг муассиси ким, лойиҳа ким томонидан молиялаштирилиши ҳақида ҳеч нарса дейилмапти.

Литвада келгуси йил 30 январдан янги мактаб очилади. Унинг бошқа мактаблардан фарқи шундаки, унда сеҳр-жоду, афсунгарлик ва дуохонлик сирлари ўргатилади.

«DELFI» АА маълум қилишича, ушбу мактабда ўқиш пуллик бўлиб, унга болалар ҳам,

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ



ИВМ ДАСТУРИЙ-АППАРАТ КОМПЛЕКСИНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲАМДА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ҚУВВАТЛАБ ТУРИШ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ УЧУН ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар (Банк белгиланган шаклда) юридик шахслардан қабул қилинади. Тендерда иштирок этиш учун буюртманомани юборган шахсларга тендер ҳужжатлари ушбу эълон чиққан санадан кейинги 10 календарь куни мобайнида берилади. Олинган тендер ҳужжатлари асо-

сида тайёрланган тижорат таклифларини қабул қилиш ушбу таклифлар қандай шаклда юборилганидан (почта орқали жўнатилгани) катъи назар, мазкур эълон чиққан санадан кейин 27 календарь куни ўтгач, соат 17.00 да тўхтатилади. Буюртманомани шакли ва тендер ҳужжатларини

олиш, шунингдек, тижорат таклифларини юбориш учун манзил: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 101. «Ўзмилийбанк» Бош маъмурий биноси. Телефон: 234-42-86. Интернет-сайт: www.nbu.com Алоқабда бўлувчи шахс: Блохина Ольга Леонидовна.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТИЖОРАТ

# ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси

юртдошларимизни янги  
2010 ЙИЛ —

Баркамол авлод йили билан  
самимий муборакбод этади!

Янги йилда барчага мустаҳкам соғлиқ,  
фаровон ҳаёт, оилавий бахт,  
жонажон Ўзбекистонимизнинг  
гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик  
ишларида улкан зафарлар тилайди.

Байрам арафасида аҳоли учун  
жозибали ва  
манфаатли шартларга асосланган  
«КАМОЛОТ САРИ» ва «ШАРТЛИ»  
омонат турларини таклиф этади.

«КАМОЛОТ САРИ» жамғарилуви омонати бўлиб, унга маблағлар жисмоний шахслардан миллий валютада чекланмаган муддатга қабул қилинади ва фойз даромадлари ҳар ойда ҳисоблашиб, омонат қолдиғига қўшиб борилади ва мижознинг бировчи талаби бўйича берилади.

«ШАРТЛИ» омонатига маблағлар жисмоний шахслардан миллий валютада наҳд тўлада қабул қилинади ва омонат муддатини омонатчининг ўзи мустақил белгилайди. Омонатда ҳақиқий сақланган муддатлар учун фойз даромадлари тўланади.

АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИ  
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!

Мурожаат учун тел: 150-12-91  
Хужжатлар лицензияланган. Лиц.№25-01-2003



7-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси «Жиззах вилояти Зомин туманидаги 200 га ер майдонини (шу жумладан, 100 га — сабзавотлар, 100 га — боғлар) томчилашти суворини тизими қурилиши» объекти бўйича танлов ўтказилиши тўғрисида «Ўзбекистон овози» газетасининг 2009 йил 1 декабрдаги 139-40-сонда чоп этилган эълон бекор қилинганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар, Миробод туманидаги «ТАЙИТ» МЧЖ (ИНН 2015349111, ОКОНХ 95120)

ТУГАТИЛАДИ.  
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Амир Темури кўчаси, 20-уй. Телефон: 232-13-51.

«O'zbekinvest Hayot» шўба ҳўжалик жамияти шаклидаги сўғурта компанияси жамоаси Жиззах вилояти филиалининг директори Медихат Хусановга онаси МАГМУРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки Бошқаруви ва жамоаси Қурилиш комплексини кредитлаш ва мониторинг қилиш бошқармаси бош мутахассиси Шойиста НОСИРОВАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


## КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ КАТТА БАЙРАМИ

Бола — дил пайванди. Унинг кулгиси кишига олам-олам қувонч беради, қалбини нурга тўлдирди. Айни кунларда Мустақиллик майдони болажонларнинг хурсандчилиги, ширин кулгиси билан тўлган. Майдонда улкан ва гўркам, тароватли арча. У байрам руҳида безатилган. Кўкка бўй чўзган арча атрофидан ранг-баранг атракционлар жой олган. Фарзандларимиз Янги йилни Қорбобо ва Қорқизсиз, шунингдек, мультфильм қахрамонларисиз тасаввур қила олмайдилар. Шу сабабдан аънаанага биноан ушбу қахрамонлар болаларнинг кўнглини овлашга, кайфиятига хурсандчилик улашишга ҳаракат қилмоқдалар. Пайтдан фойдаланиб, янги йил шодийнасини бошлаб юборган ота-оналар ва уларнинг фарзандларини суҳбатда тортидик.

**Нигора ҚОСИМОВА, ҳамшира:**

— Майдонга учинчи марта айлангани чиқдик. Сабаби болаларимга сахна кўринишлари ёқди. Айниқса, атракционда учиб улар учун жуда мароқли. Майдонда айланган юриб бир нарсга хаёлимдан ўтди — янги йилимиз қадами кўтлуг бўлсин, кўтаринки кайфият йил бўйи ҳеч биримизни тарк этмасин.

— Байрамга гуруҳимиз билан рақс ҳамда кўшиқ ижро қилиш учун келганмиз, — дейди «Булбулча» болалар ашула ва рақс ан-



самбли иштирокчиси Ойгул Гафорова.

— Янги йил ҳақида шеър биласанми? — деб сўрайман ундан. — Албатта.

**Бунча ҳам чиройлисан, Ям-яшилсан, ҳар қачон. Янги йилданг кўржисан, Себимлисан арчажон.**

Мусика янграйди, томошабинлар — кичкинтойлар Қорбобо, Қорқиз, Зумрад ва ялмоғиз кампир билан биргалликда сахналаштирилган томошанинг бевосита иштирокчисига айланадилар. «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли, пойтахтимиздаги маданият коллежи талабалари чикишлари тантананга алоҳида завоқ ва шавқ бахш этади.

**Дилафрўз ЗАЙНИЕВА**

— Йил якунида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади, Янги йилга янада катта умидлар билан қаралади. Шу маънода йил якуни ва янги режалар ҳақида тўхталсангиз.

— Аввало шунга айтишим керакки, Конституцияимизнинг 17 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган байрам тантанасида Президентимиз Исро Каримовнинг кириб келаётган янги — 2010 йилни юртимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилгани биз спорт соҳасида меҳнат қилаётганларни, айниқса, кувонтириб юборди. Бу мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш учун янада кенг имкониятлар ҳамда шарт-шароитлар яратиши шубҳасиз.

Болалар спортини ривожлантириш борасидаги эзгу ташаббус, хайрли ишлар ўз самарасини бермоқда. Соҳадаги аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар фарзандларимизни спорт билан мунтазам шуғуланишига катта шарт-шароитлар яратиб бераётди. Шу йил бошида спорт иншоотларини анжомлар билан жиҳозлаш, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини спорт кийимлари билан таъминлаш мақсадида идоралараро ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳи таклифига биноан болалар спорт объектлари қурилишининг Манзил-дастурида белгиланган 207 спорт иншооти, сузиш ҳавзалари ва мактаб спорт анжомлари рўйхати ишлаб чиқилди. Якунда шу асосда ўтказилган тендер савдоларида ғолиб деб топилган «Хўжаобод», «Отабек», «Стеклопластик», «Машхим», «Азия Спорт С», «Спартак мега», «Мирсодиков М.М.», «Телеметрик», «Леверна сервис», «Шоҳ Акбар», «Slake City» каби ташкилотлар Малайзиянинг «TSA SPORTS TRADING» корхоналарида

## ЭЛИМИЗ ТИЛАГИ — БАРКАМОЛ АВЛОД

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла АЧИЛОВ билан суҳбат

### Муносабат

спортнинг атиги саккиз тури билан шуғулланган бўлса, эндиликда замонавий спорт залларимизнинг жиҳозланиш даражаси спортнинг йигирма уч тури билан шуғулланиш имконини берапти. Шу йил бошида спорт иншоотларини анжомлар билан жиҳозлаш, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини спорт кийимлари билан таъминлаш мақсадида идоралараро ишчи гуруҳи

тайёрланган спорт анжом ва жиҳозлари янги бунёд этилган иншоотларга етказиб берилди. Бундан ташқари, жамғарманинг минтақавий филиаллари орқали 150 минг комплекти спорт кийим-кечаклари кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизларига совға қилинди. Шунингдек, жорий йилнинг июль ойидан бошлаб «Ўзавто-саноат» акциядорлик компанияси билан Хитойнинг «ЎзТонгХонг» корхонаси ҳамкорлигида баскетбол тўплари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

эти. Шундан 452692 нафарини қизлар ташкил қилганлиги янада қувонч нарлидир. Агар бу кўрсаткични 2005 йилдаги мусобақалар билан солиштирсак, иштирокчилар сони икки бараварга ошганлигини кўраемиз. Бу эса фарзандларимиз ўртасида ушбу мусобақалар тобора оммалашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, «Аломиш Барчиной», «Қувнок стартлар», «Согломжон-полвонжон», «Умид ниҳоллари» каби мусобақалар, Жамғарма соврини учун футбол, баскетбол, волейбол, кўл тўпи, спорт ва бадиий гимнастика, сузиш, акробатика, шоҳмот-шашка, стол тенниси бўйича ўтказилаётган баҳслар, айниқса, ижобий самара бераётди.

— «Баркамол авлод йилида жамғарма томонидан қандай ишлар амалга оширилиши режалаштирилмоқда?»

— «Баркамол авлод йилида қилинадиган ишларимиз ва тadbирларимиз кўлами янада кенгайтирилади, албатта. Бирорбир маҳалла, қишлоқ ёшлари спортдан четда қолмаслиги зарур, деб ўйлаймиз. Шунингдек, қишлоқ жойларда қизларни мунтазам равишда спорт билан шуғуланишига жалб этиш ишларини босқичма-босқич кучайтириш, янги спорт комплекслари, стадионлар, иншоотлар қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мурабийлар тайёрлашга эътибор қаратамиз.

**Эркин ХОЛБОБО**  
суҳбатлашди.



Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

# SIBUR

масбуфияти чекланган жамият Ўзбекистон  
Британия қўшма корхонаси жамоаси  
барча ватандошларимизни кириб келаётган  
Янги — 2010 йил билан самимий муборакбод этади!

Янги йил ҳар бир оилага бахту саодат,  
муваффақият ва омад келтирсин.

Баркамол авлод йили барчамизга  
кутлуг бўлсин!

## 2010

## «SIBUR» КОМПАНИЯСИ: янги йилга янги маҳсулотлар

Астойдил интилиш, ташаббус кўрсатиш, албатта ўз самарасини беради. Буни пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «SIBUR» масбуфияти чекланган жамияти Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Чунки жамоанинг тинимсиз изланишлари туфайли бугун корхонанинг нуфузи янада ортди.

— Компаниямиз ўз фаолиятини бошлаганига эндигина саккиз йил бўлди. Шу вақт мобайнида мамлакатимиз аҳолисини турли хилдаги сифатли яхна ичимликлар билан таъминлаб келмоқдамиз, — дейди компания директори Авазбек Жўраев. — Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида 2008 йилда хорижий сармояни жалб қилган ҳолда компаниямиз қайтадан ташкил қилиниб, «SIBUR» МЧЖ Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси деб номланди ва низоом жамғармамиз 1.750.000 АҚШ долларига тенглашди.

Дарвоқе, «SIBUR» савдо белгиси билан ишлаб чиқарган маҳсулотларимиз ўз навбатида 2003-2006 йилларда «Йилнинг энг яхши маҳсулоти» сertiфикати билан тақдирланди ва бу аънаана ўтган йилда ҳам давом этди. Қўшма корхона сифатида фаолият бошланганидан буён маҳсулотлар турлари янада ортди. Ҳозирда «Baraka» минирал суви, «SIBUR» яхна ичимлиги ва «Liberte» савдо белгиси остидаги «Liberte» яхна чой ичимликлари барча бирдек манзур бўлмоқда, уларнинг ички бозордаги улуши қарийб 65-70 фоизга етди. Шунингдек, корхонада тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш тизими яхши йўлга қўйилгани боис, уларни бевосита харидорларга сотиш кенг йўлга қўйилди. Хорижий маҳаллий хом ашё етказиб берувчи корхоналар билан узок муддатли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Яқунланаётган йилда компанияни янада ривожлантириш ҳамда сифат кўрсаткичларини ошириш, идишларнинг кўринишини ўзгартириш мақсадида 1,4 миллион евро маблағ эвазига Германиянинг озик-овқат ускуналари ишлаб чиқарувчи илғор «KHS» ва «KRONES» каби фирмаларидан янги технологик линиялар келтириб ўрнатилди ва ички ресурслар ҳисобига корхона реконструкция қилинди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати 3 баробар ошди, оғига 12-14 миллион донга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлинди ва қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

Янги йил арафасида корхона «Liberte» савдо белгиси билан янги маҳсулот — «Tetra PAK» фирмасининг кутили идишларида «Liberte» яхна чой ичимликларини қадоқлаб сотувга чиқарди.

Тошкент ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Asliddin RUSTAMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'afur HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muslihidin MUHIDDINOV  
Svetlana GUSIMOVA  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ  
DEMOKRATIK PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13  
Madaniyat va sport 233-69-45,  
(Tel. Faks) 233-21-43  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36,  
233-34-55  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56  
Reklama va e'lonlar 233-38-55,  
233-47-80  
Mas'ul kotib 233-72-83,  
236-55-17

VILOYAT  
MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70  
Buxoroda — 223-06-02  
Gulistonda — 25-46-45  
Jizzaxda — 227-48-35  
Navoiyda — 223-83-73  
Namanganda — 226-43-81  
Nukusda — 222-77-21  
Samarqandda — 35-02-55  
Urganchda — 517-30-58  
Farg'onada — 224-18-78  
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,  
MATBUOTCHILAR  
KO'CHASI, 32-UY.  
e-mail:  
info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:  
Alisher RO'ZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozini» kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chiqaradi.  
Korxonaning manzili:  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

№ — 1149

8680 nusxada bosiladi

1 — T'jorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'za yakuni — 00.45

Topshirilgan vaqti — 02.15

1 2 4 5 6 7 8

Sotuvda erkin narxda